



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 17 октябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 19 январда
маъқулланган

Республикада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шахс, жамоат ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича яхлит ҳуқуқий тизим яратилди.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида янги вазифаларни қўймоқда ҳамда ушбу органларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича тезкор ва самарали қарорлар қабул қилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратишга қаратилган.

Мазкур Қонун билан «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маълумотларни тўплаш, тезкор киритиш, ниқобланган операция каби тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш тартибини аниқлаштиришни, шунингдек ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашни, тезкор-қидирув тадбирлари ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, шу жумладан кибермаконда ва (ёки) унинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин эканлигини белгилашни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шу билан бирга «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига жиноятларнинг ҳолатларини аниқлаш, жиноятларни содир этган шахсларни аниқлаш ва қидириш, шунингдек жазони ўташдан бўйин товлайдиган ёки бедарак йўқолган шахсларни қидириш мақсадида оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан

бепул фойдаланишга доир ички ишлар органларининг ҳуқуқларини аниқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Бундан ташқари «Маъмурий қамокни ўташ тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маъмурий қамокқа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус муассасада тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш мумкин эканлигини белгиловчи қўшимча киритилмоқда.

Ушбу Қонун жамоат тартибини сақлашни ва фуқаролар хавфсизлигини янада ишончли таъминлашга, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ–344-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 335-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 506-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 12, 689-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 524-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **14-модда:**

биринчи қисмининг:

учинчи хатбошиси «маълумотлар базаларини» деган сўзлардан кейин «ахборот тизимларини ва ахборот ресурсларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**тезкор киритиш** – тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимини ёхуд махфийлик асосида кўмаклашувчи шахсни жиноий-криминоген муҳитга ёки тезкор аҳамиятга эга бўлган объектга тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида киритишдан ва уларнинг имкониятларидан ноошкора фойдаланишдан иборат бўлган тадбир»;

ўн олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ниқобланган операция** – икки ёки ундан ортиқ тезкор-қидирув тадбирини тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида ошкора ва ноошкора усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказишни ўз ичига оладиган комплекс тадбир»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тезкор-қидирув тадбирлари ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда, шу жумладан кибермаконда ва (ёки) унинг имкониятларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилиши мумкин»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **19-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Тақдим этиладиган материалларнинг хажми» деган сўзлар «Тақдим этиладиган материалларнинг тури, тоифаси ва хажми» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда) **17-моддаси биринчи қисмининг йигирма биринчи хатбошиси** «давлат органлари» деган сўзлардан кейин «ва бошқа ташкилотлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январда қабул қилинган «**Маъмурий камоқни ўташ тартиби тўғрисида**»ги ЎРҚ–420-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 2-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда) **1-боби** куйидаги мазмундаги **б¹-модда** билан тўлдирилсин:

«б¹-модда. Махсус қабулхоналардаги тезкор-қидирув фаолияти

Махсус қабулхоналардаги тезкор-қидирув фаолияти жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларга тайёргарлик кўришга ва уларни содир этишга дахлдор бўлган шахсларни аниқлаш, топиш ҳамда қидириш мақсадида, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижросиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2024 йил 13 март
№ ЎРҚ–920



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

О внесении дополнений и изменений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленных на совершенствование правовых основ деятельности по борьбе с преступностью

Принят Законодательной палатой 17 октября 2023 года
Одобен Сенатом 19 января 2024 года

В республике создана целостная правовая система по защите прав, свобод и законных интересов граждан, обеспечению безопасности личности, общества и государства, профилактике правонарушений и борьбе с преступностью.

Осуществляемые реформы в стране по обеспечению верховенства закона ставят новые задачи перед правоохранительными органами и направлены на создание прочной правовой основы для принятия ими оперативных и эффективных решений по выполнению возложенных на них задач.

Данным Законом вносятся дополнения и изменения в Закон Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности», предусматривающие уточнение порядка осуществления таких оперативно-розыскных мероприятий, как наведение справок, оперативное внедрение, операция под прикрытием, а также укрепление правовых основ борьбы с преступностью в сфере информационных технологий, определение возможности проведения оперативно-розыскных мероприятий с применением информационно-коммуникационных технологий, в том числе в киберпространстве и (или) с использованием его возможностей.

Вместе с тем в Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» вносится изменение, предусматривающее уточнение прав органов внутренних дел по безвозмездному использованию возможностей средств массовой информации в целях установления обстоятельств преступлений, установления и розыска лиц, совершивших преступления,

а также розыска лиц, уклоняющихся от отбывания наказания или без вести пропавших.

Кроме того, в Закон Республики Узбекистан «О порядке отбывания административного ареста» вносится дополнение, устанавливающее возможность осуществления оперативно-розыскной деятельности в специальном учреждении, предназначенном для приема и содержания лиц, подвергнутых административному аресту.

Настоящий Закон будет служить более надежному обеспечению охраны общественного порядка и безопасности граждан, а также повышению эффективности мероприятий по профилактике правонарушений и борьбе с преступностью.

Статья 1. Внести в Закон Республики Узбекистан от 25 декабря 2012 года № ЗРУ–344 «**Об оперативно-розыскной деятельности**» (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2012 г., № 12, ст. 335; 2016 г., № 4, ст. 125; 2017 г., № 9, ст. 506, № 10, ст. 605; 2019 г., № 1, ст. 5, № 2, ст. 47, № 9, ст. 589, № 12, ст. 891; 2020 г., № 12, ст. 689; 2021 г., приложение к № 4, № 6, ст. 524) следующие дополнения и изменения:

1) в **статье 14:**

в **части первой:**

абзац третий после слов «баз данных» дополнить словами «информационных систем и информационных ресурсов»;

абзац четырнадцатый изложить в следующей редакции:

«**оперативное внедрение** – мероприятие, заключающееся во внедрении сотрудника органа, осуществляющего оперативно-розыскную деятельность, либо лица, оказывающего содействие на конфиденциальной основе, в криминально-криминогенную среду или на объект оперативного интереса и в негласном использовании их возможностей в целях решения задач оперативно-розыскной деятельности»;

абзац шестнадцатый изложить в следующей редакции:

«**операция под прикрытием** – комплексное мероприятие, включающее проведение двух или более оперативно-розыскных мероприятий с использованием гласных и негласных методов, в целях решения задач оперативно-розыскной деятельности»;

дополнить **частью второй** следующего содержания:

«Оперативно-розыскные мероприятия могут проводиться с применением информационно-коммуникационных технологий, в том числе в киберпространстве и (или) с использованием его возможностей»;

часть вторую считать **частью третьей**;

2) в **части четвертой статьи 19** слова «Объем представляемых материалов» заменить словами «Вид, категория и объем представляемых материалов».

Статья 2. Абзац двадцать первый **части первой статьи 17** Закона Республики Узбекистан от 16 сентября 2016 года № ЗРУ–407 «**Об органах внутренних дел**» (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2016 г., № 9, ст. 272; 2017 г., № 6, ст. 300, № 9, ст. 510; 2019 г., № 2, ст. 47, № 5, ст. 267, № 9, ст.ст. 588, 591, № 10, ст. 674, № 12, ст. 891; 2021 г., приложение к № 4; 2022 г., № 3, ст. 216, № 5, ст. 466, № 6, ст. 570; № 10, ст. 984) после слов «государственными органами» дополнить словами «и иными организациями».

Статья 3. **Главу 1** Закона Республики Узбекистан от 9 января 2017 года № ЗРУ–420 «**О порядке отбывания административного ареста**» (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2017 г., № 1, ст. 2; 2019 г., № 12, ст. 880; 2021 г., приложение к № 4, № 11, ст. 1061; 2022 г., № 10, ст. 984; 2023 г., № 3, ст. 185) дополнить **статьей 6¹** следующего содержания:

**«Статья 6¹. Оперативно-розыскная деятельность
в специальных приемниках**

В специальных приемниках оперативно-розыскная деятельность осуществляется в порядке, установленном законодательством, в целях предупреждения, выявления, пресечения и раскрытия преступлений, а также выявления, установления и розыска лиц, причастных к подготовке и совершению преступления».

Статья 4. Министерству внутренних дел Республики Узбекистан, Национальному информационному агентству Узбекистана, Национальной телерадиокомпании Узбекистана и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

Статья 5. Кабинету Министров Республики Узбекистан:
привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;
обеспечить пересмотр и отмену республиканскими органами исполнительной власти их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону.

Статья 6. Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального опубликования.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент,
13 марта 2024 года
№ ЗРУ–920